

истеъмолчининг банкдаги ҳисоб рақамига тулов топшириқномасини куйиш йули билан амалга оширилади.

3.17 Истеъмолчи томонидан энергия ҳисоб-китоб даврида шартномавий ҳажмдан кам истеъмол қилинса, олдидан туланган маблағлар қайтарилмайди ва кейинги ҳисоб-китобларда иноватга олинади.

3.18 Тулов ҳужжатларида хатолар, ҳамда ҳисобга олиш приборларида носозликлар ёки курсаткичларида ноаниқликлар аниқланган тақдирда, истеъмолчи корхонага дарҳол муружаат қилиши керак.

Корхона, истеъмолчи муружаат қилган кундан бошлаб ун суткадан кечиктирмай, ҳисоб-китобни текшириши, зарурат бўлганда эса ҳисобга олиш приборини куриқдан утказиши керак.

3.19 Энергияни ҳисобга олиш Истеъмолчининг айбисиз вақтинчалик бузилганда етказиб берилган Энергия учун ҳисоб-китоб Корхонанинг қарори бўйича, ҳисобга олиш бузилишига қадар бўлган олдинги ҳисоб-китоб давридаги ёки ҳисобга олиш тиклангандан кейинги даврдаги ўртача суткалик сарф бўйича амалга оширилади.

Энергиянинг ўртача суткалик сарфи бўйича ҳисоб-китоб қилиш даври бир ойидан ошмаслиги керак, шу вақт ичида ҳисобга олиш тикланиши зарур. Агар ҳисобга олиш приборини, объекттив сабабларига кўра, кўрсатилган муддатда (ток трансформаторининг, ҳисобга олиш приборининг йўқлиги, ўтиб бўлмайдиган йўллар ва шу кабилар туфайли) тиклаш имконияти бўлмаса, Истеъмолчига етказиб берилган Энергия учун ҳисоб-китоб қилиш тартиби ва ҳисобга олишни тиклаш муддати Истеъмолчи ва Корхонанинг икки томонлама битими билан белгиланиши керак.

3.20 Ҳисобга олиш прибори Истеъмолчининг айби билан бузилган (пломбаси бузилган, ойнаси синган ва шу кабилар), ҳисобга олиш приборини улашиш схемаси ўзгарган, ҳисобга олиш приборидан ташқари электр қабул қилгичлар уланган ёки Энергия бошқача усулда ўғирланган ҳолларда, Корхона далолатнома асосида Истеъмолчини электр тармоғидан узиб қўяди.

Ноқонуний истеъмол қилинган Энергия сарфи ўрнатилган тартибда аниқланади.

Ноқонуний фойдаланилган Энергияни қайта ҳисоб-китоб қилиш Корхона томонидан, Электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларида белгиланган тартибда, мазкур Қоидалар бузилишига йўл қўйган Истеъмолчи ёки унинг вакили иштирокида ёхуд иштироксиз амалга оширилиши мумкин.

Бунда қоида бузиш далолатномаси расмийлаштирилган кундан бошлаб уч кун муддатда Корхонанинг қарорига эътироз билдирган Истеъмолчининг аризаси кўриб чиқилади.

Қайта ҳисобланган Энергия сарфи асосида Корхона 3 иш кунни мобайнида Истеъмолчига тўлаш учун қўшимча ҳисоб-фактура ёзиб беради, ҳамда хизмат кўрсатувчи банкга тўлов талабномаси юборади.

Истеъмолчи қўшимча тўлов ҳужжати бўйича тўловни 10 кун муддатда амалга оширмаса, Корхона кўрсатилган суммани қонун асосида мажбурий тартибда ундириш чораларини кўради.

4. ЭНЕРГИЯНИ ЕТКАЗИБ БЕРИЛИШНИНГ ЧЕКЛАШ ВА ТЎХТАТИШ ТАРТИБИ

4.1 Ягона электр энергетика тизимида Энергия(Кувват) танқислиги юзага келган ҳолда, чеклаш ва узиб қўйиш қарорлари асосида Энергия(Кувват) истеъмоли бўйича чеклашлар қонунда белгиланган тартибда қиритилади.

4.2 Электр тармоқлари объектларидаги аварияларнинг олдини олиш ва бартараф этиш ёки одамларнинг ҳавфсизлигини таъминлаш ишлари билан боғлиқ кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирларни амалга ошириш зарур бўлганда, Истеъмолчи билан келишмасдан ва уни олдидан оголантирмасдан, бироқ уни дарҳол хабардор қилган ҳолда, Энергия узатишда узиб қўйиш ёки чеклашларга руҳсат этилади.

4.3 Электр манбаидан узиб қўйилиши техноген ва авария оқибатларига олиб келадиган, ўта хавфли ва узлуксиз технологик жараёни (махсус тартибда Энергия етказиб бериладиган корхоналар рўйхатига киритилганлар) саноат корхоналарида қарздорлик пайдо бўлган тақдирда ҳақ тўланмаганлиги учун Энергия етказиб беришни чеклаш, белгиланган тартибда, электр таъминотининг технологик ва авария профилактика, тўлик узиб қўйиш эса – факат суд қарорига кўра амалга оширилади.

4.4 “Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари”ни бузганлиги учун тармоқдан ажратилган Истеъмолчининг электр қурилмаларини электр тармоғига қайтадан улаш ва Энергияни етказиб бериш Истеъмолчи томонидан “Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари” бузилган ҳолатлари бартараф этилгандан сўнг ва Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 2011 йил 16 августда 2255-сон билан рўйхатдан ўтказилган “Электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун тармоқдан узилган истеъмолчиларнинг электр қурилмаларини электр тармоқларига қайтадан улаш учун тўловни ундириш тартиби тўғрисида”ги Низомга мувофиқ белгиланган тартибда амалга оширилади.

5. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1 Истеъмолчининг ҳуқуқлари:

- Корхона томонидан шартномавий мажбуриятларнинг шартномада белгиланган тартибда ва лозим даражада бажарилишини талаб қилиш;
- Энергияни электр тармоқларининг бўлиниш чегарасига шартномада кўрсатилган миқдорда етказиб берилишини талаб қилиш;
- электр тармоқларининг баланс бўйича мансублик чегарасида Энергиянинг сифат кўрсаткичларини давлат стандартларига жавоб беришни талаб қилиш;
- Корхонанинг электр тармоқлари объектларини режали таъмирланиши туфайли Энергия билан таъмирлашдаги мумкин бўлган зулиқлар тўғрисида узиб қўйишгача камида 3 сутка олдидан оголантиришни талаб қилиш;
- Энергиянинг тегишли миқдори учун олдидан тўлов амалга оширилган тақдирда, жорий ой тугашидан камида 10 кун аввал берилган талабнома асосида Энергиянинг шартномавий миқдорини ўзгартиришни талаб қилиш;
- олдидан ҳақ тўланган ёки тўланмаганлигидан қатъий назар Энергиянинг шартномавий ҳажмини қамайтириш юзасидан ўзгартиришни талаб қилиш;
- Корхона томонидан Энергия тўлик етказиб берилмаганлиги ёки сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мос бўлмаган энергия етказиб берилганлиги сабабли етказилган зарарнинг ўрни белгиланган тартибда қопланишини талаб қилиш.

5.2 Истеъмолчининг мажбуриятлари:

- шартнома мажбуриятларини шартномада белгиланган тартибда ва лозим даражада бажариш;
- Энергия (Кувват) учун мажбурий олдидан тўловларни вақтиний ҳисоб-китобларни шартномада белгиланган муддат ва миқдорларда амалга ошириш;
- Электр қурилмаларининг зарур техник ҳолатини ва “Истеъмолчиларнинг электр қурилмаларини эксплуатация қилишда хавфсизлик техникаси қоидалари”га риоя қилиниши, ҳамда Энергиядан оқилона фойдаланилишини таъминлаш;
- 7-иловага мувофиқ компенсация қурилмаларининг ишлаш режими (реактив Энергия ва Кувват истеъмоли) риоя қилиш;
- энергетика тизимининг максимал юклама соатларида талаб этилган Кувват миқдорини оширмаслик;
- йил мобайнида янгидан ишга тушириладиган электр қурилмаларидан фойдаланиш бошланишидан камида бир ой олдидан Энергиянинг зарур миқдори учун Корхонага буюртманомани бериш;
- келгуси йил учун Энергияга бўлган эҳтиёжни аниқлашда Энергияни электр тармоқларидан узатишда, ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг (ишлар турларининг) технологик жараёни ишлаб чиқариш эҳтиёжларига, ишлаб чиқариш бинолари ва маъмурий биноларини ёритишга, иситишга, шамоллатишга Энергия сарфини, шунингдек ушбу электр тармоқларига уланган субистеъмолчиларнинг эҳтиёжини ҳисобга олиш.

Истеъмолчи Корхонанинг талабига кўра қуйидагиларни ҳисобга олиши ва натижалари ҳақида Корхонага хабар бериши шарт:

- истеъмол қилинаётган Энергия(Кувват)нинг суткалик, ойлик сарфлари;
- ягона электр энергетика тизимининг максимал ва минимал юклама даврида реактив энергия(куват)нинг ҳар суткалик сарфи;
- ягона электр энергетика тизимининг максимум юкласини ўтиш даврида Энергиянинг (Кувватнинг) ҳар 30 дақиқадаги сарфи.

5.3 Корхонанинг ҳуқуқлари:

- Истеъмолчидан шартномада кўрсатилган шартномавий мажбуриятларни бажарилишини талаб қилиш;
- ҳисоб-китоб даврининг хоҳлаган кунига ўзаро ҳисоб-китоблар солиштирув далолатномасини тузишни талаб қилиш;
- Қуйидаги ҳолларда Истеъмолчига Энергияни етказиб берилишини тўхтатиб қўйиш ва оқибатлари учун жавобгар бўлмаганда:
 - Энергия (Кувват) шартномавий миқдордан кўп сарфланганида ёки Энергия (Кувват) истеъмолчининг белгиланган режими бузилганда;
 - электр таъминоти шартномасини тузмадан (узайтирмасдан) Энергия истеъмол қилинганда;